

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

Н.АБДУЛЛАЕВ, Фарғона ВХТҲҚТМОИ ўқитувчиси

Соҳибқироннинг севимли набираси Мирзо Улуғбек Шоҳрух мирзо ўғли, «беш йиллик юришида(1392—96) Ироқдаги Мордин қалъасини қамал қилиш чоғида туғилган. Шарафуддин Али Яздий«Зафарнома» асарида ёзишича, Амир Темур ҳузурига чопар келиб набира кўрганлиги ва мунажжимлар бу неvara келажакда ҳам олим, ҳам ҳукмдор бўлишини башорат қилганлари хушхабарини етказди. Соҳибқирон хурсандлигидан Мордин қалъаси қамалини тўхтатиб, унинг халқига юкланган тўловни бекор қилади. Унинг ўз набирасига Муҳаммад Тарағай ва Улуғбек деб исм қўйганини ҳам мунажжимларнинг юқоридаги башорати билан боғлаш мумкин. Амир Темур Улуғбек тарбиясига алоҳида эътибор берган ва уни давлат ҳамиятига молик тадбирларда қатнаштирган. Клавихонинг қайд этишича, Улуғбек бобосининг хорижий элчиларни қабул қилиш маросимларида иштирок этган. Темур вафотидан сўнг бўлган тахт учун курашларда 1410й. Шоҳрух Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига киритгач, уни идора этишни Туркистон вилояти билан бирга Улуғбекка топшириб, Соҳибқирон васиятини қайта тиклаган.

Ривоятларга кўра Мирзо Улуғбек Самарқанд атрофида юрганда, йўл ёқасида ётган бир бурда нонни кўриб қолади-да, отдан тушиб, уни қўйнига солади. Унинг ёнидагилардан бири: «Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз отдан тушдингиз» деб сўраганида Улуғбек: «Нонни дастлаб мен кўрдим, уни ердан олишни бировга буюриш нонга нисбатан ҳурматсизлик бўларди. Нон олдида менинг султонлигим, мартабам ҳечдир», – деб жавоб берган экан»¹.

Мирзо Улуғбек фаросати ҳам хотирасининг қуввати шу даражада эдиким, ҳар жойда бирон жониворга ўқ отиб ов қилса, бу тарихни эслаб қолар, воқеа қайси куни, қаерда содир бўлганлигини, жониворлардан қайсилари овланганлигини дафтарга битиб кўяр эди. Тасодифан ўша дафтар ғойиб бўлди ва қанча қидирсалар ҳам уни тополмадилар. Дафтарни сақловчилар саросимага тушдилар. Мирзо Улуғбек деди: «Ташвиш тортманглар, мен дафтарга ёзилган гапларни бошдан-оёқ ёддан биламан». Шундан кейин подшоҳ котибларни чақиртириб айтиб турди, улар ёзиб олдилар. Янги дафтар тўлган ҳам эдики, аввалги йўқолган дафтар топилди. Ҳар иккала дафтарни солиштириб, тўрт-беш ихтилофдан бўлак фарқ топмадилар.

Мирзо Улуғбекнинг ўткир зехни борасида қўплаб ҳикоятлар мавжуд. Айниқса унинг болалик чоқларида кўрган инсонларни орадан узоқ вақт ўтса ҳам унутмаслиги ғоят диққатга сазовордир. Бу ҳақда Шайх Озарий шундай ҳикоят қилади:

«Мен 1398 йили Қорабоғда, улуғ Амир Темур Кўрагон қиссахони – тоғам билан эдим. Улуғбек Мирзо хизматига тайинландим. Ўша вақтда ҳали ёш бола эдим ва бир неча йил гўдалиқ шодлигини шахзода билан ўтказдим. У билан бирга ўйнар, нақлу ҳикоятлар айтар эдим. У мен билан яқин дўст ва ўртоқ бўлиб қолди. 1448 йили мазкур подшоҳ Хуросонни забт этди ва Исфароинга келиб тушди. Ёшлиқ ўтиб қариб қолган эдим. Ўрнимдан туриб, шоҳ ҳузурига бордим. Мени узоқдан фақир у такводор либосида кўрди. Салом-алиқдан кейин сўради: «Эй дарвиш, сен эски ҳамсухбатимиз кўринасан, қиссахонимизнинг жияни эмасмисан?» Шоҳнинг ўткир зехни, фаросату пок идрокидан лол қолиб, дедим: «Ҳа, жаноблари қиссахоннинг жияниман». Улуғбек Қорабоғда айтилган ҳикоятлар, Гуржистон ғазовоти ҳамда Озарбайжон ажойиботларини ўртага солди. Мен ёдимда қолганларини айтиб бердим»².

Мирзо Улуғбекдан сўрадилар:

Сиз нега сиёсатни қўйиб, илм билан машғул бўлдингиз?

Мирзо жавоб бердиларки:

– Мен илмнинг қудратини бобомдан билдим. Бир сафар мен бобомнинг тиззасида ўлтирар эдим, шу пайт ҳузурига бир киши кирди, бобом шошиб унинг истикболига ўрнидан турди – мен тиззасидан тушиб кетдим. Кейин билсам, у зот олим экан, бобомнинг пири қомили экан. Илмнинг обрў-нуфузини мен ўшанда кўрдим.

¹Қаранг: Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. – Т.: «Ўзбекистон», 1990.

² Қаранг: Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони / Форс-тожик тилидан Б.Аҳмедов таржимаси. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1981.